



ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АДЖУ УНИВЕРСИТЕТИ
ва
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҚОШИДАГИ С.СИРОЖИДДИНОВ
НОМЛИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ
ўртасида

кадрларни тайёрлаш соҳасида
ҳамкорлик тўғрисидаги

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

Тошкент шаҳридаги Аджу университети (бундан кейин – “Университет”) номидан Проректор Қўчқоров Баходир Махкамович, ва

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицей (бундан кейин – “Лицей”) номидан академик лицей директори Ражабов Барно Жўрақулович, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар,

ўқувчи ёшларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш, илм-фанга бўлган қизиқишни ошириш, ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида;

юксак касбий билим ва маҳоратни эгаллаган, ижодкор, ташаббускор ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга, стратегик фикрловчи ва салоҳиятли кадрларнинг янги авлодини шакллантириш мақсадида **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1. ҲАМКОРЛИК МАҚСАДИ

Томонлар ушбу Англашув Меморандуми ўзаро ҳамкорликнинг умумий тамойилларини ўз ичига олганлигини чуқур англаган ҳолда, унинг қоидалари ҳамда амалдаги қонунчилик, соҳага оид давлат дастурлари ва ўз уставларига амал қилиб, ўзларининг ваколатлари доирасида ўзаро ҳурмат асосида кадрларни тайёрлаш соҳасида икки томонлама манфаатли ҳамкорликни қўллаб қувватлайдилар ва ривожлантирадилар.

2. ҲАМКОРЛИК СОҲАЛАРИ

Томонлар, кўзланган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар ва илгари сурадилар:

➤ умумий манфаатга доир масалалар юзасидан маълумотлар, тажриба ва амалиёт алмашиш;

➤ “Лицей”га илмий-методик ёрдам кўрсатиш, илғор педагогик технологияларни жорий этишга, замонавий ўқитиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этишга кўмаклашиш;

➤ “Университет”нинг етакчи ўқитувчилари ва профессорлари томонидан “Лицей” ўқитувчиларга услубий материаллар тайёрлашда ҳамда ёш ўқитувчиларга илмий, услубий ёрдам бериш;

➤ “Университет”нинг профессор-ўқитувчилари, раҳбар ходимлари томонидан академик лицей ходимлари ва ўқувчилари иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат дарсларини ташкил қилиш;

➤ “Лицей” ўқувчилари ўртасида танловлар ўтказиш, ўқувчиларнинг илм-фан, инновацион ва рационализаторлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилишда маслаҳат бериш;

➤ “Университет”да олиб борилаётган чет тили ва аниқ фанлар бўйича дарс машғулотларида “Лицей” ўқувчиларини онлайн тарзда иштирок этишини таъминлаш;

➤ “Университет” томонидан ўтказиладиган тадбирларга кўнгилли сифатида иқтидорли ўқувчиларни жалб қилиш;

➤ “Университет” фаолиятини “Лицей” ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб қилиш, тақдирот ва видеороликларни намойиш этиш ва тарқатишга кўмаклашиш;

➤ қўшма анжуманлар, кўргазмалар, тақдимотлар, конференциялар, семинарлар, вебинарлар, маҳорат дарслари ва консультациялар каби тадбирларни ҳамкорликда ўтказиш;

➤ Томонлар ўзаро келишган ҳамкорликнинг бошқа соҳалари.

3. МАСЛАҲАТЛАШУВ

Томонлар ушбу Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Томонлар ўзаро келишувига биноан ушбу Меморандум мақсадлари учун бошқа шерикларни, ҳамкорларни жалб қилишлари мумкин.

4. ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Ҳар бир Томон ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритишни ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар учинчи томонга ёхуд судларга мурожаат этмасдан, Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва/ёки ёзма шаклидаги музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

6. ҲАМКОРЛИКНИНГ КУЧГА КИРИШИ, АМАЛ ҚИЛИШИ ВА ЎЗ КУЧЕНИ ЙЎҚОТИШИ


Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш (5) йил муддат давомида амал қилади.

Мазкур модда қоидаларидан қатъий назар, Томонларнинг ҳар бири бошқа Томонни ушбу Меморандум амал қилишини тугатиш нияти борлиги тўғрисида истаган вақтда, бу ниятни амалга ошириш санасидан камида олти (6) ой илгари ёзма равишда хабардор қилиб, унинг амал қилинишини тугатиши мумкин.

Мазкур Меморандум 2 (икки) асл нусхада, ҳар иккиси ҳам ўзбек тилида тузилди.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ

Тошкент шаҳри
Аджу Университети Проректори



Қўчқоров Баходир Махкамович

Ўзбекистон Миллий университети
қошидаги С.Сирожиддинов
номли академик лицей директори



Ражабов Барно Жўрақулович

2021 йил “9” апрель